



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 июнь, ЧОРШАНБА № 117 (865). Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ

# ТАИЛАНДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВИДА ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИСИ НАРИМОН ОТАЕВ ҒОЛИБ ЧИҚДИ!

МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ ЭСА, УМУМКОМАНДА ҲИСОБИДА КУЧЛИ БЕШЛИКДАН ЖОЙ ОЛДИ



КЕЧА боксчиларимиз Таиланддан ажойиб зафар билан қайтди. Мамлакат пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги учун баҳсларда учта спортчимиз совриндор бўлди.

65 килограмм вазнлилар баҳсида қатнашган Наримон Отаев рингга чиқиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди ва мадҳияли оғирлик бўлиб, ўзбекистон байроғининг бадал кўтарилишига сабабчи бўлди. Боксчиимиз дастлаб Голландия, Германия ва Киргизистон спортчиларидан устун келди. Финалда эса Таиланд боксчисини мағлубиятга учратди.

81 килограмм вазнлилар баҳсида қатнашган энг ёш боксчимиз Темур Иброҳимов жаҳон кубогининг бронза медалига сазовор бўлди. Ангрэн давлат педагогика институтининг талабаси дастлаб америкалик Артегини мағлубиятга учратди. Сўнг венгриялик Береттидан устун келди. Ярим финалда эса Германия чемпиони Неткега юташиб қўйди ва учинчи ўрин билан қайтди.

Энг оғир вазнлилар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган тошкентлик Олег Маскаев яна бир бор ўзининг ҳалқаро тоғфадига боксчи ақолигини исботлади. У ҳатто ярим финалда америкалик машҳур боксчи Фрэнклинни ҳам доғда қолдирди.

Таиландда отланаётганимизда Олегнинг тоби йўқ эди — Олейди делегация раҳбари Владимир Шини. Шунга қарамай, биз уни терма жамоа сафига қўшдик. Олег ишончи оқлади ва финалгача чиқди. Финалда у ўтган йилги жаҳон чемпионатидаги рақиб кубалик Бала-

до билан рингга чиқиши керак эди. Олегнинг ҳам ўтган йилги мағлубияти аламлидан чиқишга иштиёқи баланд эди. Бироқ врачлар боксчимизнинг финал учрашувига чиқишга рухсат беришмади. Натияжада биз жаҳон кубоги баҳ-



РАСУЛ ЖУМАЕВ, «Халқ сузи» мухбири.

ларидан биттадан олтин, кумуш ва бронза медаллари билан қайтдик.

Умумжаҳон ҳисобида ҳамюртларимиз барча китъанинг энг кучли чармул-қон усталари жамоалари ўртасида кучли бешликдан ўрин олишди. Боксчиларимизни ажойиб ғалаба билан табриклаймиз.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон боксчилари делегациясини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти; жаҳон кубоги соҳибни Наримон Отаев. Р. ШАҒАЕВ тасвири. (ЎЗА).

### ҲАР ОЙДА УН МИНГ ЖУФТ ПОЙАБЗАЛ

Самарқандда «Юлдуз» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ташкил қилинганга қўп вақт бўлгани йў. Ленин ўтган қисқа муддат ичида 140 киши яхши ҳаёт туланадиган иш билан таъминланди. Яна шунинг ҳам борки, бу ерда иш бир сме-

— Бизга хом ашёни Самарқанд ва Тошкент кўн заводлари етказиб беради, — дейди қўшма корхона бош директори Юнал Гук. — Барча жиҳозларни эса Туркиядан олганмиз. Ҳозирча ташвишга соладиган муаммоларга дуч келганимиз йў. Чунки шаҳар ҳокимияти ҳам имконияти даражасида қўшма корхонага қўшма маблағ беришга тайёр. Қўлаверса, бу ерда тайёрланаётган болалар ва катталар пойабзалларини ҳар ойда ўн мингтага етказганимиз шаҳардаги маҳсулот пештахталарини муқолат билан тўлдиринида сезиларли улус бўлаётди.

Яқинда корхона жамоаси яна бир яхши ишга қўл урди. Бу ерда янги цех очилиб, юмшоқ мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилди.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сузи» мухбири.

### ОЗОДАЛИК КУНЛАРИ

Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган «Саломатлик ва экология» ўн кунлигида 233 миң киши ободлаштириш, кўчалар мазорлаштириш йилларида қатнашди. Шанбалик ташкил этилиб, ишлаб топилган 134 миллион сўм маблағ «Экосан» ҳайри жамағатига ўтказилди. (ЎЗА мухбири).

## Қишлоқда иқтисодий ислохот қандай бормоқда? ҲИССАДОРЛАР ҒОЙДАГА ЮЗ БУРИШДИ

МИРЗАБОД ТУМАНИДАГИ ТУРҒУН АҲМЕДОВ НОМЛИ ШИРКАТЛАР УЮШМАСИ ФЕРМАСИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛГАЧ, МАҲСУЛДОРЛИК ОШДИ, ЗАРАР УРНИГА ҒОЙДА ОЛИНА БОШЛАНДИ.

«ЧОРВАДОР» хусусий ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилишига эҳтишан билан бир йил бўлди. Лекин ўтган қисқа муддат ичида бир мунча кўзга қўринарлик натижаларга эришилди. Аввало, жамоанинг меҳнатига ва мулкка муносабати тубдан ўзгарди, меҳнат интизоми ҳам изга тушиб кетди. Ташмачилик барҳам топди. Энди бир тутам ҳашак ҳам, бир сиқим эм ҳам ҳисобда.

Ҳиссадорлик жамиятининг раиси Давлат Сангирнинг асли касби ҳисобчи-иқтисодчи. Шунданми, «Чорвадор»нинг фақат буғуни эмас, эртанги кунги ҳисоб-китоби ҳам аниқ. Шундай иш юритиш тўғрисида ҳиссадорлик жамияти 1993 йилни соф фойда билан йуқулади. Қаралардан батамом кутулиб олди.

«Чорвадор»нинг юзини ганимизнинг боиси шунки, яна 147 гектарда ширкатлар уюшмаси ёрдами билан озуқа етиштирилди. Уртадаги шартномага кўра уюшма жамиятининг озуқа таъминоти олишга шундай қўлаб қўйилган шартлар билан. Ҳиссадорлик жамиятига 2 та чопиқ, 1 та ҳайдон трактори, ташиш ҳамда ўрим-йиғим воситалари ажратиб берилган. Бир сўз билан айтганда, 280 бош қорамолга озуқа тайёрлаш учун имкониятлар етарли.

Ҳозирча етиштирилган маҳсулотимизнинг ярмини давлатга, ярмини эса эркин нархларда соғайлик жамияти раиси Давлат Сангирга — очини, давлат нархида сотиладиган сўт ён гўштининг ҳисоб-китоби аниқ. Аммо, ўзининг иқтисодий ҳисоб-китоби аниқ бўлиши билан маҳсулотнинг бажарили-

ши борадидаги комиссия қарорининг қандай бажарилишига мувофиқ эмас, деб топди ва республика Вазирлар Маҳкамаси кузурдаги атамалар қўмитаси раисининг ўринбосари Х. Бектемиров, авиаконияси бош директорининг биринчи ўринбосари А. Ғўзимтов ахборот берди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакониясида давлат тилини амалиётга табиқ этиш борасида бирмунча иш қилинганга қарамай, ҳали бу соҳада анча камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Унинг дээрли бәрча бўлимлари ва худудий бошқармаларида иш фақат рус тилида юритилаётгани, пойтахт аэропортида эълонлар давлат тилида ўқилмаётгани ва ўзбекча маълумотномалар, лавҳалар етарли эмаслиги қайд этилди. Комиссия мазкур таш-

## ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА МУСОҲАБА Муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мумкин

Болгарияда сўғорин ва захни қочирин бўйича давлатлараро комиссиянинг конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. ЎЗА мухбири Г. Ковалёв конференция қатнашчиларидан бири — ирригация бўйича илмий-ишлаб чиқариш бироқимининг бош директори В. ДУХОВНИЙга бир неча савол билан мувоажат қилди.

— Виктор Абрамович, Варнага сафардан мақсад нима эди? — Аввало конференцияда биз учун юз берган муҳим воқеа тўғрисида гапирмоқчиман — Ўзбекистон сўғорин ва захни қочирин давлатлараро комиссиянинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бу ташкилот сўғорин, зовурлар ва сув ҳўжалиги тизимини ривожлантириш манфаатларини қўлаб ҳарақат қилади. Республикаимиз ҳукуматга дахлсиз бу ташкилотга аъзо бўлди. Мазкур халқаро ташкилот, собиқ Иттифок билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, Ўзбекистон ирригаторларининг иши ўша йиллардаёқ кўп мамлакатларни қизиқтирар эди. Чунки, 1976 йилда Тошкентда сўғорин ва захни қочирин давлатлараро комиссиясининг биринчи Африка-Осиё конференцияси ўтказилган. Иттифок парчаланди кетгач, комиссияда Иттифонинг ўринини Россия эгаллади, биз эса четда қолиб кетдик. Ҳолбуки, республикамиз ирригация соҳасидаги ютуқлари билан бутун жаҳонга танилган. Дарвоқе, ўтган йили сўғорин муаммоларига бағишланган халқаро конгрессга МДҲ мамлакатларидан аттиги ик-

ки киши — Ўзбекистон Сув ҳўжалиги вазирлигининг раҳбари Р. Гиниятуллин билан канина тақлиф этилган эдик. Конгресс Голландияда ўтди. Ўша ерда халқаро ташкилотга аъзолик тўғрисида келишиб олдик. Бу масала Варнада узиб-кесил ҳал этилди. Ўша кунларнинг ўзида сўғорин ва захни қочирин бўйича давлатлараро комиссиясининг махсус сессияси Орол-бўйида экология вазиятини яхшилаш муаммоларини кўриб чиқди.

— Асосий материалларнинг сизнинг делегациянгиз тақдим этганидир? — Бу масала юзасидан мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жалолов сўзга чиқди. У Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг сув ресурслари ҳақида сўзлаб берди. Республика худудидидаги сўғорин деҳқончилиги инсоният тарихидида энг қадимий деҳқончилик эканини, бу ерда беш ярим миң йилдан бунён сувдан фойдаланилишини эслатди. Оролни сақлаб қолди, бу ширинлик, экологик жиҳатларни, мазкур муаммони ҳал этишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича минтақамиздаги беш мам-

лакат давлатлараро сув комиссияси Нукусда қабул қилган ва давлат бошлиқлари имзолаган ҳужжатлар тақдим этилди ҳамда муҳокама қилинди. Қўрама тартибда слайдлар намойиш этилди, ҳисоб-китоблар келтириб ўтилди. Юз берган вазият тўғрисидаги ахборотни конференцияга маълум қилиш, аҳолини ўнглашда шу халқаро ташкилот мадад беришига ишонч ҳўсил қилиниши ўз вазифамиз деб ҳисобладик.

— Нукусда қабул қилинган Оролни сақлаб қолдиш дастурида қандай мақсад қўзланган эди? — Бу — аввало мелиорация ва сув ҳўжалигини ривожлантириш, дарё ва сув ҳавзаларида сув сифатини яхшилаш стратегиясини белгилаб олиш, Орол муаммосини ҳамда Орол-бўйи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш, сув ресурслари ҳўлати тўғрисидаги маълумотлар сақлаш ва қўлайлик яратилган бўлган ягона банкни, шунингдек, уларни бошқаришнинг автомат тизимини барпо этишдан иборат. Дастурда бошқа муҳим йўналишлар ҳам белгиланган. Биз қирғизча тақлифлар қизгин муҳокама қилинди. Биз ишлаб чиққан дастур Марказий Осиёдаги ҳар бир республиканинг иқтисодий

иқтисодий ва экологик манфаатларини баравар ҳисобга олишни кўзда тутди. Асосий вазифа — аҳолини кўнглисиз вазият таъсиридан асраш, бу вазият яхшилаш, аҳолини сув билан таъминлашди. Қўрама халқаро ташкилотлар бу муаммони ҳал этишга бизнинг ўзаро келишиб ёндашганимиз, минтақадан мамлакатлар раҳбарларининг ҳамжиҳатлигидан ҳатто лол қилишди.

Биз янада ушўқоқлик билан ишлаганимиз лозим. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни камайтирмаган ҳўлда сув сарфини мумкин қадар қисқартириш ва шу йўл билан Оролга етиб борадиган сувини қўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш керак. Бир неча рақам келтирайми: Мирзақўлда бир йилда ҳар гектар ерга 9 миң куб метр сув сарфланади. Ўзбекистон бўйича гектарига 13 миң куб метр сарфланади. Мирзақўлнинг қадимдан сўғориладиган зонасида ҳар гектар ерга 14—15 миң куб метр сув сарфланади. Бу рақамлар нимадан далолат бermoқда? Каналларга бетон қоплаш, нов тармоқлардан, сўғориннинг замонавий техникасида фойдаланиладиган қўшларда сув сарфи анча кам. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш ҳамда халқаро ташкилотлар берадиган ёрдам натижаси яхши бўлиши шўбҳасиздир.

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сузи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

### БЕШАРИҚ КОРХОНАЛАРИ

БЕШАРИҚ туманидаги «Раққон» жамоа ҳўжалиги улкан цехни эста солади.

Ҳўжалик раиси Собиржон Пулатовнинг саръ-ҳаракатлари билан ҳозирги давр талабларига мувофиқ жуда кўплаб кичик корхоналар очилди. Агар тағирини тақдирини бурчилдоқ юмлар билан таъминласа, тери ошлаш ва тиниш цехида кўпича ташлаб юбориладиган хом ашёдан чиқроил либослар тайёрланмоқда, тинкувичлик корхонасининг чебарлари эса катта-кичининг эҳтишанга «лаббай» деб тўрибди. Ишбилармонликка йўл очилгани иш-сизлар сонини камайтирди, фаровонликнинг ошинига туртки бўлди. С. Сулаймонов бошчилик қилаётган тилмачилик, Х. Наримов раҳбарлигидан новоблик цехларининг ўзида кўплаб одамлар меҳнат қилади.

### БЕЛЛАШУВ МАВЗУИ — ТАДБИРКОРЛИК

НАМАНГАНДАГИ «Тола-АЖ» ҳиссадорлик жамиятининг ташаббус билан қизлар беллашув ўтказилган эди.

Асосан тадбиркорлик, иқтисодий ва банк тизими ҳақидаги саволлар ўрни олган шартларга жавоб бериш осон бўлмади. Мукофот ҳам чакни эмасди. «Тола-АЖ» соврин учун 1 миллион сўм-купон ва ўз ақцияларини тақдим қилишни мўлжаллаганди. Ғолиблар орасида саноат-технология, муҳандислик-иқтисодий олий билимгоҳларининг талабалари бор.

### ҚАТНАБ ДАВОЛАНАДИЛАР

УСМОН ЮСУПОВ туманидаги марказий шифохонада иш янги-ча ташкил қилинди. Стацонар ўринлар қисқартирилиб, кундузги даволаш жойлари ташкил этилди. Бу даволаш жойлари учун қўлайлар. Шифокорларга эса дала-дашга чиқиб одамлар ҳўлдан хабар олиш имкони туғилди.

СУРАТДА: шифохонада муолажа пайти.

### ЕР ҲАММАНИ ТЎЙИРАДИ

ШЕРОБОДЛИК Очил Зейнулов нафақадор бўлгач, ер олдида нибё етатириди.

Асли деҳқон фарзанди бўлган миришкор одам астойдил меҳнат қилди. Оиласиданларини ҳам шу ишга сафарбар этди. Яқинда ҳўсини йиғиштириб, кўтарасига сотиб юборди. Очил ана умрида кўраган хазинага эга бўлди — 45 миллион сўм-купон.

### ИПАКЛАР ТОЛИМ-ТОЛИМ

ХОМ АШЕ сотиб фойда кўрмасликни воьбентликлар ҳам яхши билмашди.

Тумандаги «Хайробод» жамоа ҳўжалигида пилла йиғириш цехи қурилди. Цех ишга тушгач, туманда етиштириладиган ҳўсиннинг маълум қисми шу ерда қайта ишланади. Бундан ташқари 15—20 чоғли одам иш билан ҳам таъминланади. Қайта ишлаш корхонасининг қурилиши ҳозирги иқтисодий ислохотлар талабига мос бўлиб, ундан «Хайробод» жамоа ҳўжалиги аҳли мамун.

### СУТКАСИГА — 320 ДОНА

НУКУСДАГИ ҳиссадорлик меьел корхонасида Германиянинг «Майер» фирмаси билан ҳамкорликда турли ўлчамдаги кўрпачалар ишлаб-чиқариш йўлга қўйилди. Бу чиройил меьеллар билан безалган хоналар кўрпача кўри қўшади. Усуқунинг қўвати бир суткада 320 дона маҳсулот чиқаришга етди.

СУРАТДА: цех бошлиги М. Абашов ва оьборчи Н. Аухев таёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

### ТОМОШАВНЛАР ҲУЗУРИДА

КИНОДА рол ўйнаган актёрини одамлар қарниб афсонавий кишидек қадрлашади.

Жиззах шаҳри ва Дўстлик туманида қатор ҳазил кинофильмларда эсда қоларли ролларни икдро этган Мирза Ҳўлметов ва Толиб Ҳўнйев билан учрашувлар жуда дилқаш ва қизиқарли бўлди. Саноат корхоналари, ўнв-юртларда бўлган учрашувлардан томошабинлар катта заъқ олдилар. Учрашувларини ишлот кинолаштириш ва фильмларни ижарага бериш бошқармаси ташкил қилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сузи» мухбири.

ПУБЛИЦИСТИКА

ФИДОЙИ

Бу сарлаҳқа шўро тузуми матбуоти-нинг энг «сафарбар» сарлаҳчаларидан эди бир пайтлар. «Фидойи механизатор», «Фидойи чўпон» каби сарлаҳчаларни газеталарда тез-тез ўқиб мумкин эди. Радиода «фидойи» сўзи ҳар кун юз марта тақрорланарди десам, муболаға бўлмас.

Рости, фидойи деганда бизнинг кўз олдидаги Корчагинлар, Матросовлар келадирди. Умуман, биз фидойи сўзини ҳар кимга қиёс қилавериб, уни бироз сийқаштириб қўйдик. Аслида ҳаётда фидойилар кўп бўлавермайди. Рус шеърининг даҳоси Пушкиннинг шеъринг ва Ватан фидойиси бўлиб яшаш камлик қилди. У ҳатто бир шеърда бундай ёзди:

Дўстнам, Ватанга жонин тиккаямиз,  
Кўнгал орауларки фидо ушанга...

Биз ким нуқла Турон

Амиру Туркистонимиз, — дея шу юрт, шу миллат шаънини осмон қадар кўтариб қўйганди.

Бугун кўпчилигимиз шу табарруқ калимани қайта-қайта тилга олмоқдамиз. Юқорида айтиб ўтдик. Ҳозир фидойилар кўпайди. Илм фидойиси, пахта фидойиси, техника фидойиси...

Домла Маҳмуд Равшанов тил фидойиси. У Навоий шахрига яқинда келган. Бола-чақаси билан ётоқхонада яшайди, филология фанлари номзоди. Ҳали доцент бўлганча йўқ. Биз домла билан ўтган йили шаҳарда ўтказилган тил муаммолари бўйича илмий-амалий конференция арасисда танишдик. Ушанда унинг бир қадар билимдон эканлигини пайқадим. Домла билимдонлигини пеш қилмайди.

Камтар, аяни пайтада хоксор йисон. Айримлар дом-

ладаги бу фазилатларни кўлга йўйишади. Домла ҳам анойи эмас. Кўлганларга қараб, кўлиб тураверди. Бегубор кулади. Хуллас, шаҳарда Давлат тили муаммоларига бағишланган конференция ҳам ўз ишнини ниҳоятга етказди. Орадан бир ой ўтиб учрашиб қолдик. Равшанов домла дилидаги бор гапни айтди:

— Катта бир анжуман ўтказдик. Одамлар гўё шаҳарда ҳеч нарса бўлмагандек юрибди. Шунинг уйла-сам, жуда ториқаман (руҳан эзилман демоқчи).

— Ториқманг, домла, барибир бир кун тарих эса олади, — дейман у кишини юпатган бўлиб.

Домланинг юзи ёришади.

— Қани энди шундай бўлса?

Домла билан хайрлашамиз. У ўз халқлари билан ўз йўлига кетади. Яқинда домла билан яна учрашдим. Мен у кишини конференция ўтганлигининг бир йиллиги билан табриклидим ва ўзимдан бироз бўлса-да ёлгон кўшдим.

— Одамлар конференция ўтганини ёдларидан чиқармабди.

— Узи шундай бўлишни билардим. Ахир эсан чинақадан конференция эмасди-да.

Шаҳар деярли ҳар кун илмий фидоиларни кўришмоқда. Деярли ҳар кун ўз фидойиларини наф элтаётганини домла яхши билади. Ҳар бир соҳанинг, ҳар бир гоининг ўз фидойиси бўлмоғи керак. Тил тақдирини ҳам шундай. Домла Равшанов ҳам ўзбек тилининг намоли учун фидойилар кўпайишини истади.

Маҳмуд МАРДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жалолқудуқ туманидаги Амир Темур номида жамоа хўжалигида тажрибали, дондор пиллакорлар кўп. Шу бонс хўжаликка вилоятнинг турли бурчакларида тажриба алмашиш ниятида келувчиларнинг кети узилмайд.

Бу йил ҳам улар 615 кунти уруғин парваришлаб, мўл «кумуш тала» етиштиришди. Қабул пунктга ҳар кутисидан мўлжалдаги 70 кило ўр-нига 90 килодан ошириб ишла топишришди.

СУРАТДА: илмчилик агрономи халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши номбн Фотимахан Бекназарова.

Т. ҲАМРОҚУЛ тасвири.



Сурхондарё вилояти янгиликлари

КОРХОНА ҚУВАТИНИ ОШИРМОҚДА

Агар эътибор қилаётган бўлсангиз, яхши пойфазал тобора камайиб бормоқда. Ваъзи жойларда ҳатто ёмоғи ҳам йўқ. Шўрчилик тадбиркорлар бултур пойфазал корхонасини ишга туширган, бу ерда ҳар кун 100 жуфт атрофида эркакларнинг пойфазали ишлаб чиқарилаётган эди. Эътиборингизни қайта қўйишга тўғри келди.

Туман дон маҳсулотлари комбинати қошидаги чарм заводи қурилиши ниҳоятга етказилмоқда. Корхона ишга тушгандан сўнг ҳар йили 175 минг тона терини қайта ишлайди. Технология замонавий бўлганини учун чармининг юқори сифатига қаролат бор. Диққатга сазовор томони шундаки, қайта ишланган теридан Шўрчининг

бозорга чиқариб 200 мингдан ошириб пуллашмоқда. Туфли кўпайиши ниҳоятга етказилмоқда. Шўрчи тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Эшболта Шерматовнинг фикри шундай. Шўрчиликлар шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга зўр бермоқдалар.

ЕРЕНҒОҚДАН ЕҒ ОЛИНМОҚДА

Деновдаги қурилиш битказилаётган қандолатчилик фабрикасида еренғоннинг ёғини оладиган жувоз тайёрланади, ишга туширилди. Ҳар кун 200 кг. дан зиёд ёғ олиш мумкин. Бу ускунанинг муаллифи корхона раҳбари Тоҳир Ҳамроевдир.

Қайта ишлаш чоғида чиқадиган кунжара ширинкулчага қўшиб юборилмоқда. Натижда ширинкулчаларнинг тўйимчилиги ошди.

Тоҳиддин РАЗЗОҚ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзидаёқ харидорнинг уст-бошдан тайёрланади. Энг муҳими завод ишга тушгандан сўнг 250 нафар киши ишли бўлади. Шунинг учун ҳам қурилиш суръатлари юқори.

ЧАРМ ЗАВОДИ ҚУРИЛМОҚДА

Туман дон маҳсулотлари комбинати қошидаги чарм заводи қурилиши ниҳоятга етказилмоқда. Корхона ишга тушгандан сўнг ҳар йили 175 минг тона терини қайта ишлайди. Технология замонавий бўлганини учун чармининг юқори сифатига қаролат бор. Диққатга сазовор томони шундаки, қайта ишланган теридан Шўрчининг

ваъдани қуққ берди Ганибойнинг ўзи ким, дersen Терговчи Машариф Ҳайитов битган айбондан мазкур саволга жавоб топамиз: «Айбланувчи» Эшонов Гани 1938 йили туғилган. Урганч тумани Ж. Мангуберди номида жамоа хўжалигида таъминотчи, хусусий «Дўстлик» кичик корхонасида эса раҳбар вазифаларида ишлаган. Давлат ва жа-

ваъдани қуққ берди Ганибойнинг ўзи ким, дersen Терговчи Машариф Ҳайитов битган айбондан мазкур саволга жавоб топамиз: «Айбланувчи» Эшонов Гани 1938 йили туғилган. Урганч тумани Ж. Мангуберди номида жамоа хўжалигида таъминотчи, хусусий «Дўстлик» кичик корхонасида эса раҳбар вазифаларида ишлаган. Давлат ва жа-

ЭШИТМОҚДА ДЕМОНТЕР

ИЛЬИЧНИНГ ЯНА БИР «СИР»И

Барбир, пролетариат «доҳийси» Ленин ҳаёти ва фаолиятининг кўп қирралари сирлигича қолган.

Жумладан, «оташин революционер»нинг кўп умри сургуларда ўтганлиги ҳақида роса ўқитганмиз, эшитганмиз. Бироқ «геонал ақл эгаси» дам олиш ҳақида ҳам жиддий қайғурган ва уни муваффақиятли элаган. Октябрь инқилобига чадан Ильич Атлантика океани қирғоқларида, сўлим курортлар маскани — Никкеда, Швейцариянинг тоғли қишлоғида, ҳамма ҳавас қиладиган Лозаннада, унча-бунча одамга насиб этмайдиган Монте-Карио, Рона водийсида, афсонавий оромгоҳлар улқиси Бе-ла-Бенда бўлган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин, бироқ гап бунда эмас, аксинча: ўйлаб кўринг, йўқсил (одам) курортларда дам олиш учун пулни қаердан топи эман? Қили қирғ ёрадиган россиялик тарихчилар бу саволга жавоб бериш учун астойдил изланаётганлар.

МИША «ПАНД БЕРДИ»

ЕАН ахборот агентлиги хабарига қараганда, ўғриларга ҳар доим омад кўлиб боқавермас экан.

Кроснотурни деган аҳоли пунктда қақрилмаган меҳмонлар уй эгасидан ким борлигини сўрашган. 5 ёшли қизалоқ ота-онани ишдалигини, фақат Миша борлигини маълум қилади. Ўғрилар Мишанинг ёши бор-йўғи учда эканлигини билиб олгач, иккиланмай ёшники бузиб киришади ва лаш-лушларни йиғиштиришга тушади. Бироқ Мишанинг кучига етарли баҳо беришмаган экан. Уларнинг олдига жунари хуршайтан бўрибосар турарди. Ит билан қандай тил топишини билмай турганларида уй эгалари ҳам келиб қолишади, теъда милиция ҳам хабар топади.

ОМАДНИ ҚАРАНГ

Челябинсклик тележурналист-ка Нада ўз қаҳрамони бунчалик илтифот кўрсатишни кутмаганди.

«Альянс» совчилик идораси билан Москвага келиб, келин излаб Америкадан ташриф буюрганлар билан учрашди-да, телерепортаж тайёргилига уйига қайтди. Лекин бу тилласоқ қизнинг ишчи америкалик юристинг юрагидан урган экан. Ҳижронга бардош беролмаган йигит самолётга билет олиб, қизнинг изидан Челябинска учиб кетди. Тақдир-да!

КОМПЬЮТЕР ШЕКСПИРНИ АЙБЛАДИ

Лондонлик компьютерчилар бу кайфиятга ишонгани ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай бошлари қотиб қолди.

Ута замонавий ва яна ҳам мукаммаллаштирилган, алоҳида ёзувчиларнинг қўл ёзма-лари асосида иккидун услубларни аниқлаб беришга программа-лаштирилган иккиронли компьютер улуғ драматург Уильям Шекспирни... кўчирмачиликка айбонлади. XX аср техникасининг бу мўъжизаси билан Астон университетининг бир гуруҳ олимлари тажриба ўтказишганди.

ОЛТИ ВА ТУҚҚИЗ ЕШИЛИ

Санкт-Петербургдаги озиқ-овқат магазинида ўғри тушганлиги ҳақидаги хабар тарқалгач, етиб келган милиция отряди ҳайратдан ёқа ушлади.

Кундуз кун қалин ойнани синдириб, магазинга тушган ўғрилари она сутти оғзидан кетмаган гўдаклар экан. Улар лимондан қўтис ва туқиз ўрам сигаретни умармоқчи бўлганлар. Аниқланишича, улар ана-уқалар бўлиб, каттаси туқизга тушган, укаси эса олти ёшли экан. Қадимий шаҳар милицияси фахрийларининг эътирофи эътиҳи, бундай ҳоли улар эвшлаш олмайдилар.

САРТАРОШ ЧУВ ТУШДИ

Уфадаги сартарошхоналарнинг бирини рўй берган латифаномия воқеани эшитиб, одамлар нима-ларни ўйлаб топширмайди, деб мулоҳаза қилмас.

Етти ёшли Радик нотаниш одам сочинин текинга олдириб қўйишни таклиф қилганда рон була қолди. Саҳий аманни устанинг кўрсига дастлаб ўзи ўтириди-да, бир қатор хизматлари буюрди: соч олдириш, соқол қиртишлатиш, массаж... Арчилан боднингдек силлиқ бўлиб олгач, ўзини болага бунтади, устага айонда кутиб туришини, кейин ҳисоб-китоб қилишни таъкидлади. Радик сочин олдириб чиқса, унинг арвоғи ҳам йўқ, эди. Болақай изиллаб йилганча, у одам отаси эмаслигини, ҳатто исминини ҳам билмаслигини уқтирарди.

РЕСПУБЛИКА «ТОШКЕНТ» ФОНД БИРЖАСИ

БРОКЕР УРИЛАРИНИНГ ЭҒАЛАРИ ВА ФОНД БУЛИМИ БРОКЕРЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТОШКЕНТ» МОЛ-МУЛКИ ФОНД БИРЖАСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» мол-мулк фонд биржаси қайта тузилгани муносабати билан сизларни республика «Тошкент» фонд биржаси аъзоларининг йиллик-шига таклиф

ҚИЛАМИЗ. Кун тартибда: биржага аъзолик, брокер идораларини қайта рўйхатдан ўтказиш, брокер ўринларини бекор қилиш, фонд хизматлари бўйича брокер идоралари ва биржа билан шартнома-лар тузиш ва бошқа таъкилий масалаларни қўриб чиқиш қиритилган. Йилнинг шу йилининг 16 июн оват 12.00 да қўйидаги маъналоқда: Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўчаси, 45-ўй (215-хона)да ўтказилади.

ТУЗАТИШ Газетамизнинг шу йил 14 июнь сондаги «Яхшидан боғ қолад» мақоласи муаллифи «П. Ҳабибуллоев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги» деб ўқилсин.

Суд замидан

Аёлларни ҳаётнинг устун, дойишди. Ленин бу таъриф шундангина иборат эмас. Аёл — гўзаллик, поклик, меҳру-вафо, шару-ҳай, ифбат ва сажоат рамзи. Аммо, минг афсусли, аёл маъри, ҳилмаси баъзан бадфиқслиги билан қўшилди, кўз кўрмаган, қўлқоч шимтамаган иллатлар, жинийларга сабаб бўлаётганлиги ҳам бир эмас.

...Зим-зиё туш: «Жигули» машинаси Қизилқум саҳроси узра «Туртқул — Бу-хоро» йўналишида олға елади. Йўлнинг икки ёнини ўр-нач-ўрнач қумтепалар қўр-шаб ётибди.

— Бўди жура, чарча-дим. Самарқандга ҳали йўл узок. Азонгача ухлаб оламиз, — уқтириди ҳайдо-вчи Шомуродга ва машинани нимасансиз қўмпепалинлар томон бурди. Хяёл ўтмай қалин саксовулзор тепалик ор-тидаги пасткам жойда туқ-таиди. Икки кунли саргар-донлик ва йўл азобидан ни-ҳоятда толиқган Шомурод бирпасда донг қотди. «Дўсти» ҳам пинанка кетди. Аммо миёндаги муқдир ре-жа бамайилхотир уқлашга йўл қўрғимди? Орадан 2,5 соатлар чамаси вақт ўтди. Тонг эса яқин. Бундай пай-тада сукунат бутун борлиқни ўз бағрига олади. Шомурод эса ҳамон донг қоғиб уқла-моқда. У ҳатто атайлаб урилган аксирлишни ҳам эшитмади.

Ана энди «иш»ни бошла-са ҳам бўлади... Қоринга ва қовурга устига зарб билан уқилган бир неча муштдан сўнг Шомурод уқуддан кўз очмай хушнинг йўқолиди. Бир оздан кейин эса аввал-дан хондорлаб қўйилган те-мир болга ишга тушди. Зарбалар ўз кучини ўрғар-ди. Шомуроднинг чаноқ су-яялари манқаланиб, калла-мияси бир нарча гўштага айланиб қолди. Афтода жа-садан билқиллаб чиқайтган қис-қизил қонинг қўланса ҳиди қотилини ақалли сес-кантиргани ҳам йўқ. Энди у «дўстининг» чўнтақлари-ни титқилай бошлади. Мар-ҳумга тегишли ГАЗ — 24-10 автомашинасининг техник далолатномаси, калити ва ҳайдовчилик гувоҳномасини бирпасда топиб олди. «Энди бўлди», ҳаёдан ўтказди у. «Ишга» нукта қўйган қотил гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бамайилхотир машина жи-ловига ўтириб моторни ўт олдириди. Тисарилиб ортага қайтган «Жигули» ортага йўлга чиққач, Хоразм томон шнотоб билан елиб кетди.

...Шомуроднинг «хожа-бардор дўсти» Ражаббинин келишилганидек, Урганч-нинг гаввум бозорига, уч-ратди. Кўзлар маъволи туқ-нашди. Шомуродга қарашли машинанинг калити ва ҳуж-жатлари Ражаббинга топ-

оқир-оқибат дўзах азобига рўпара келдилар. ...Шомурод билан Ражаб-биннинг ширин оилавий турмуши узоққа чўзилмади. Еш оиланинг «қадридон дўсти» Ганибойнинг сирли бо-қиларини, «арзимас» сов-га-саломларни Ражаббининг тез орада сармастлик кўча-сига бошлади. Ҳатто, ёшлар 17 йиллик тафовут (Ғ. Эшонов 1938, Р. Бобожо-

на шинаси қотилга тақдим этилди. Вожааб, мусцадай беозор бир бегуноҳ бандан-нинг қора ер тишланиши ор-зиқиб кутган бир Ражабби-би эмас экан. Ҳали кўрасиз, бундай ажойиб суноччи учун Ражаббинилар оиласининг «қадридон» Ганибой Эш-оновнинг ҳам атагани бор.

Хуллас, орадан уч кун ўтиб, Урганч тумани ички ишлар бўлими бошлигини-нинг столида мазмун қуй-лагича битилган арза пай-до бўлди: «...Эрим Худой-берганов Шомурод 1993 йил 29 март кунни автомашина-мизга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун уйдан 130.000 сўм олиб, бозорга кетганди. Халигача қайтиб келмади. Унинг топилганига кўмак-лаштирилишига сўрайман».

Изо: Урганч тумани наразиядаги Ленин номида кўча. В-У, 14-хонада яшовчи Бобоҷонова Ражаб-бин.

Дўстлик шаҳри ва Хо-разм вилояти прокуратура-сида жиноят иши расмий-лаштирилгунча содир бўлган воқеалар тафсилоти асосан шу. Жумбоғ ечимни билан боғлиқ саволлар эса ҳар қандай валютомат изкуварини ҳам мушкул ҳолатга солишни турган гап. Одатда ўлиқлар гувоҳли-ка ўтишолмайди. Жиноят изини кўрсатувчи далил-ашёларинга бу вазифани ўтати мумкин. Тиринк гувоҳ-лар эса ёлғиз Оллоҳхонга аён. Бироқ... Қонун ва ало-лати посбонлари, вилоят про-куратураси, шу мақомаминг бош терговчиси Машариф Ҳайитов, Дўстлик шаҳри ху-нақа ва тартибот идоралари-нинг азуқо изкуварлари (машғум қотиллик ана шу шаҳар ҳудудидидаги Тупроқ-қалъа маҳусида содир бўл-ган) ҳақиқатини минг машақ-қат, ранжур алам билан бўл-са-да, юзага чиқардилар. Бир гувоҳсиз инсоннинг ҳа-вти эвазига жаннат фарога-тини ороу қилганлар эса

пилмас. Самарқандга жуна-шади. Йўл ёқларидаги саксовулзорлар энг қулай жой... Ганибойнинг «қийматлик дўсти» дангали йигит экан. Бирпасда Шомуроднинг «енгилдан қириб, ёқасидан чиқди». Қарангки, меҳмон йигит уни аввалдан танир, бироқ маъриди келмагани учун салом-алиқ қилмай юраркан. Бу ёйига Шому-

роод билан «қийматлик дўст» туғилди. Ганининг қисқаси, Шомурод билан эртагаёқ «ой харид қилгани» жуна-ди...

«Меҳмон йигит» эртаси калла шаҳардаёқ эшик та-қиллатиб келди. Эр-хотин дийринглаб турган «Жигу-ли»га ўтиришди. Машина дастлаб Урганч дехқон бо-зори томон елди. (У умумий овқатланиш корхонасида со-тувчи бўлиб ишлайди). Шо-мурод эса «дўсти» билан арзон нархли чой топиш учун дарё орти сафарига жўнади. Йўлашда ҳам, Бироқ аслида йўқ чойни қаёқдан ҳам топишсин? На-чора, Кун бўйи изғиб, Турт-қулдан ҳам тополмагач, «хамтоволлар» тушининг ал-ламаҳалида Самарқандга йўл олишди...

Адолат посбонлари эса чиндан ҳам устомон киши-лар эканлигини амалда кўр-сатишди. Улар қўйган «таш-хис» гоия ақли бўлиб чи-қди...

Шомуродни Абдулла ўл-дириди. Демак, «қадридон дўсти»нинг ҳаёти у кутаёт-ган манфаат олдига сариқ чақчаллик ҳам қимматга эга эмас. Ленин у қотиллик учун қандай жазага гириф-вор бўлишини жонга жон берилмоғи зарурлигини ҳам биларди-ку ахир? Ҳа, билар-ди. Аммо бу манқийи ҳо-латнинг иккинчи тарафини ҳам бор: мол-дунёга ўта хире қўйганларнинг аксарияти гуноҳор ва ноқил бандлар бўлишади. Бу — ҳақиқат. Бундай тоифадаларга имон-эътиқод, ор-номус, ин-соний гурурдан гап очини бефойда. Уқашмагунча уч-ратмас, дейдилар. Фитнага бош қўшганларнинг бари қоронғуда топилганлардан. Чунотчи, Ражаббининг — Ражаббинин қилган ҳам, чоғ-га итарган ҳам Ганибойнинг жара-жарақ пуллари-ю,

Жиноий гуруҳ гуаматаси ва бош икчони Абдулла Эр-назаровнинг ҳаёти ҳам га-ройиб воқеалар гирдобига кечди. Бироқ, ажабланирди жонини шунки, у Қоракўл-огир-тонинг Туртқул туманида яшаса-да, Урганчга қатнаб, ишлаган. «Ганибой оғза-сининг шахсий ички корхона-сида тери тайёрловчи ва на-зифасини бақарган Ана эн-ди англаганидирки, Ганибой ва унинг «сепиллиги» — Ра-жаббининг «арзимас» — хо-лис хизматига нечук бел боғланганининг бонсини. Аммо, «хонис хизмат»та ундаганлар ҳам яхшилигини унутадиганлар хилдай эмас:

— 1991 йил менга сотган «Жигули»нинг ўзинига қайтиб бераман, сариқ чанка пулнинг ҳам керак эмас. Бизнинг абадий — қийматлик дўстимиз бўлиб қолсан. Еганинг олдинда, емаганинг оранда бўлади. — деб

НАЖОТ СЎРАБ БОҚҚАН УМИДЛИ НИГОҲЛАР СИЗНИ ҚИЙНАМАЙДИМИ?

«Хат — тақдир. Унга бефарқ қараб киноятлар... Бунинг нечоғли ҳақиқат эканига ҳар кун муҳарририятимизга келадиган хатларни ўқиб яна бир қаррамин бўлиб қолган киши...»

Бугунги кунда айрим соҳаларда тақдирнинг бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. «Бирок» — деб ёздан қамашлик Р. Менгиров...

донрасида ҳал қилишларини сўраб турли мақамларга йўллаймиз. Шикоятчиларнинг аксарияти туман, вилоятдаги раҳбарларнинг қабулларига бўлишиб, муроиди ҳосил бўлмагандан сўнг пойтахтдаги турли-туман мақамларга бош уришади.

Келинг, яхшиси фактларга мурожаат қилайлик. Баъзан вақтинг баъзан эса имкониятинг чеклангани бонс юрдошларимиздан келадиган шикоят хатларининг айримларини мустақил ташкилотларнинг раҳбарларига юборишимизга тўғри келади.

Биз мазкур аҳолини текшириш ва натижасини маълум қилишларини сўраб мактубни Қашқадар вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига юборган эдик.

Мен «Халқ сўзи»нинг апрель сонида берилган «Маъракада дабдаба керакми?» деган мақолаи эътибор билан ўқиб чиқдим.



Тоҳиржон ҚАМРОҚҲУЛ олган сурат.

Шу куннинг гапи ДАБДАБА НЕГА КЕРАК?

га тик боқиб энг ёмон гуноҳ саналади. Минг афсуски ота-онани ҳақоратлаган, урган, ҳатто ўлдириб қўйган бораган фарзандлар урраётгани энг афсусланарли ҳолидир.

мизда «Мен сендан намимми?» мусобақасини бошлаб ким ўзар ўтказасиз. Кенсаларнинг эътирофича октябрь тўнтаридан аввал ниҳоқ тўйларда қиз томонга қўйинг бир сон, 5—6 метр чгт ёки буё берилган экан, холос.

оила ота-омага боқиманда бўлиб қолади. Устига-устак никоҳдан ўтиш маросими учун 4—5 машина ясаилади, ҳар хил ўтиришлар, ярим тунгача давом этадиган базм ва санъаткор учун катта пул сарфлашлар...

ХАЛҚ СЎЗИ — ХАК СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

ган уйга иситиш тармоғи ўрнатилган ёрдам сўраб туман ҳокимлигига арз қилгани билан унга ёрдамлашиш борасида ваъда беришгани ҳақида ёзади.

Биз келажаги буюк юртининг фуқароларимиз. Йиқилгани суяш, бир-бирини мизга елкадош бўлиш халқимизнинг энг қадимий удувларидандир.

Қайнотам Саттор Раимқулов умрининг салкам элли йиллини Пахтачи туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаганлар.

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунггўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

БИР КЎЧАГА ИККИ НОМ

Бу йил жаҳон миқёсида «1994 — ОИЛА йили» деб эътироф этилди. Шу муносабат билан Халқ ижодиёти ва маданият маърифати ишлар республика маркази томонидан Шаҳрисабз шаҳрида оилавий ансамбллар катта ашула ва лала ижрочиларининг республика кўрик-танловини ўтказилди.

Барҳаёт анъаналаримиз ЯШИЛ ШАҲАР ШОДИЁНАЛАРИ

Катта ашула ижрочилиги бўйича голблик «шоҳула» сига Загнота тумани маданият уйи ходими Саид азим Қудратиллаев кутарилиб. Кейинги ўринларга эса Бувайда тумани маданият уйи иштирокчилари С. Қосимов, Н. Имомов, сирдарёлашувида 1-ўринга муносиб бирор ижрочи топилмади.

ХАЛҚ СЎЗИ

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

ХАЛҚ СЎЗИ

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

Акс садо ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ТАЪҚИҚЛАНДИ

Мен йилда «Халқ сўзи»да «Дорифурушлар» сарлаҳли мақолаи ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни ёзишга жазм қилдим. Қарийб йигирма икки йилдан бунггўшага михлаб ёлиб ётибди.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

КўЧА ТАЪМИРЛАНДИ-Ю БИРОҚ... Наманган шаҳрининг Марғилон кўчаси таъмирланиши олдидан хонадонимиздаги 6-27-61 рақамли телефон ишламай қолди.

БИР КЎЧАГА ИККИ НОМ

Қайнотам Саттор Раимқулов умрининг салкам элли йиллини Пахтачи туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаганлар.

Савол беринг, жавоб берамиз ЯНА ПЕНСИЯ ҲАҚИДА

Газетчиларнинг саволларига Республика Иқтисодий таъминот вазирлиги бош мутахассиси Х. Файзуллаева жавоб беради.

ХАЛҚ СЎЗИ

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

ХАЛҚ СЎЗИ

«Ун олти ёшли Ҳўлиг Нажим Қўшшаев 1991 йилдан бунгўшага михлаб ёлиб ётибди. 9 нафар фарзандимиз бор. Ҳўзимиз қолхозчимиз. Ногиронлар авачаси сўраб бормаган идорасиз қолмади».

Муносабат

МАРҲУМЛАРНИ ЕД ЭТМОҚ — САВОБ Қабристонлар муқаддас манзилгоҳ ҳисобланади. Масалая ана шу жиҳатдан ёндошилса, «Халқ сўзи» рўномасининг 1994 йил 31 март сонидан бунггўшага михлаб ёлиб ётибди.

# ИСТЕЪДОДЛАР— ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Алишер Навоёв номидаги Самарқанд Давлат университети ва Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилояти ташкилотининг органи сифатида фаолият кўрсатаётган «Шалоба» тўғрисида кўп йиллардан буюн ёш истеъдодлар қобилиятини намол тоштириш бўйича муттасил иш олиб боради. Тўғррак ўз машғулотида ёш поир адилларнинг асарларини муҳофаза қилади, улар учун назарий мавзуларда маърузалар уюштиради, таълим олишлари, олимпиадалар, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил қилади.

1993 йилда университетнинг ўзбек тили ва адабиёти, журналистика бўлимига ўқишга кирган талабалар орасида ижодий иш билан шуғулланувчи ёшлар анчагина борлиги кўзга ташланди. Шулардан бири Нодир Жонўзоқлар.

Нодирнинг шеърлари салмоқли поэтик мазмуни, ҳароратли тўғрларга бойлиги билан эътиборни тортади. Бундан сўنги музаффақияти Нодирнинг машаққатли ижодий меҳнат қийинчиликларини енгиб ўтишига боғлиқ.

Нуриддин ШУКУРОВ,  
«Шалоба» ижодий тўғрарининг раҳбари, профессор.

## АНДИЖОНДА ГУЛЛАВДИ ВОДОМ (Бобур Мирзонинг 510 йиллигига)

Номусдан куйганда кўбнинг куйи,  
Кўлоқни тешганда отлар дурури,  
Орқада қолганда Аму навиж уриб,  
Ўқириб-ўқибди йилга-я бобом,  
Туриш, Андижонда гуллабди бодом,  
Ундан сарҳадсиз сахрога сочиб,  
Дустини кулдириб, аёғини янчиб,  
Қалбига гапирдин хиндага очиб,  
Эврилиб-эврилиб бўлаган бодом,  
Туриш, Андижонда гуллабди бодом,  
Таъдиринг йўллари бўлганда ҳал,  
Аламин меҳнатдан чиқарган маҳал,  
Юртига қайтолмай, курди Тоғмаҳал,  
Орзуси қалбига кўнмишган бодом,  
Туриш, Андижонда гуллабди бодом,  
Дуст-ери қочганда кўнайиб алам,  
Хонасини қўчганда торлик қиш олам,  
Сунчиқ ҳассаси бўлганда қалам,  
Дардини шеър қилган шерюрж бодом,  
Туриш, Андижонда гуллабди бодом,  
Дунёнинг ишларини қилмай ҳази,  
Самого учмоққа қилганда жазм,  
Ватанга тўйибди қилш-чун таъзим,  
Поғ руҳи Туронга итилган бодом,  
Туриш, Андижонда гуллабди бодом.

\*\*\*

Ҳамалининг ҳалими ели еладар,  
Диниғи қўнчилаб бўйи қоладар,  
Кўкратим яшайга айланган адир,

Покиза қалбимдек дунёлар чаман,  
Мен эркин қалдирғоч — эркин учаман!

Севинчдан уйғоғини кўз юмган булоқ,  
Яшашлар асаниб, чиқарилди қулоқ,  
Булуғлар-ёлларнинг қўлида улоқ,

Покиза қалбимдек дунёлар чаман,  
Мен эркин қалдирғоч — эркин учаман!

Гулзорлар йўлида тутар даста гул,  
Ширали дарахлар кийган оқ камзул,  
Яшаш ҳам, учаш ҳам, гувадлар буткул,

Покиза қалбимдек дунёлар чаман,  
Мен эркин қалдирғоч — эркин учаман!

Олағини олқинлаб қаққилар чағини,  
Кўнсага доғлар тақибди замини,  
Англадин, кутгешин — баҳорини ағини..

Покиза қалбимдек дунёлар чаман,  
Мен эркин қалдирғоч — эркин учаман!

\*\*\*

Сизлар мети фаршга дея, Тақдир бўлса орқага  
Кўтармангиз баланд, ўчмоқ,  
Юксакка, Ҳасадларнинг ўткир  
Шухрат, обрў, ўтидан,  
ёғинлиқ-я, Осон эмас, йиқилиб  
Лек оғирлик қилар бурканга, Нодир ЖОНЎЗОҚ,  
тўшмоқ,  
Бундай юксак, баланд  
қўқидан, ўтидан.

## • Минг бир ҳикмат

# ИНСОНИ КОМИЛИК ХУСУСИДА

Опла иқболнинг ёвуз кушандаларидан бири эиқналидир.

Заҳарли сўзнинг ниспони қалб, ҳосили эса руҳи вайронлидир.

Худбин фарзандлар ўстириб, қаровсиз қолган ота-она ҳақида доно каллимиз: «Қизи еб қирга кетди, ўгли еб ўрга кетди..» дейди.

Хулқи зебо онла аъзолари ипта тизилган дуру гавҳар наби бир-бирларини бе-зайдилар.

Инсонларнинг ибтидоси болажонлидир.

Боланинг беппиғи тепасида биринчи бор янраган она алласи умр бўйи эшитилган дилрабо куйларнинг дебосасидир.

Болаларининг булар-бўлмаста ҳадеб мақтайверманг.

у катта бўлгач, чекишга ўрганган кишидек мақтовга кашанда бўлиб қолади.

Ҳақонда нима оқ бўлса, унга она сути тимсол нимаки жушқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаки чадамли, сабр-тоқатли бўлса, онанинг продаси тимсол, кимда-ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби — тимсол. Шунинг учун ҳам биз Она юртим ва Она тилим деймиз.

**ДОНОЛАР ДЕИДИЛАР**  
Ота-онани содиқ фарзандларини жаннат гулларига қис қилса арзийди.

**Ҳазрат Али Муртазо.**

Ота-онаниг ризиғини олиш фойиш дунёда иззат, охиратда эса нажот келтириур.

**Ҳазрат Абу-Бақр Сиддиқ.**

Сабр-қаноат энг бебаҳо давлатдир.

**Ҳазрат Умар.**

## МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### «УФОР» — ТАЛЛОВ ҲОЛИВИ

Қарши шаҳрида ўтказилган ёшлар фольклор этнографик ансамбллари вилоят кўрик-танлови ўзининг қизқарли ва баҳсларга бойлиги билан эса қоларли бўлди. Унда иштирок этган юздан ортиқ фольклор-этнографик ансамбллари воҳанинг ўзига хос урф-одатлари, ўғумлари ва анъанавий куй-ўқишларини намойиш этиш билан чекланиб қолмай, балки ҳар қайси туман, маҳалла, қишлоқ, жамоа, уруғ ўзининг бетакор, тўзал ва жозибали санъаткорларини ҳам кўз-кўз қилишди. Айниқса, Чироқчи туман маданият уйи қошидаги «Уфори» фольклор-этнографик дастасининг маҳаллий аҳоли маросимлари асосида саҳналаштирилган концерт дастури томошавиларда катта таассурот қолдирди.

### ЛАПАРЛАР ЖАРАНГИ

Китоб шахар маданият ва истироҳат боғида бир неча кун давом этган оилавий ансамбллари вилоят кўрик-танлови қатнашчилари ҳам ўзларининг шўх-шодон лапарларию, ўйноқи куй-ўқиш ҳамда ашулалари билан санъат ижтисомлари олқини сазовар бўлишди.

— Оилавий ансамбллари кўрик-танловининг бу қалар қизқарли ўтишини ҳеч кутмаган эдик. Маълумки, ЮНЕСКО 1994 йилни «Опла йили» деб эълон қилган. Шу муносабат билан барча халқлар қатори бизда ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга ошириладир. — деди вилоят клуб ишлари бошлиги Абдували Раҳмонов. — Вилоятимизда «Оилавий ансамбл» — катта ашула ва лапар» кўригининг ўтказилиши ҳам оилапарварликка қаратилган. Унда иштирок этган юздан зиёд оилавий ҳаваскорларнинг ижодий баҳсини кўриб, халқимизнинг санъатга нақадар ташна, беқийс ва жозибали лапарларга бой эканлигини кўрдик.

П. ГАДОВЕВ.

Ота-боболаримиз ҳар хил нақшли уйлارга кўниқиб қолганликларини учунми, Оврупо тишидаги кўп қаватли уйлар ҳаммага ҳам ёқмаслиғи рост. Ленин темирбетондан ҳам санъат даражасига кўтарилган уйлар қуриш мумкин экан. Бунинг ГАРБ мамлакатларида бўлган одамлар яхши билишади. Айнан шундай уйлар бизнинг Тошкентда ҳам йўқ эмас. Ким агар Ҳамид Олимжон ҳайкали атрофидаги бир-бирига тикилиб ўтирган, «тўрт гўзал малика»ни эслатадиган осмонулар иморатни кўрган бўлса, галимизга шак-шубҳасиз ишоннади. Ишонмасангиз суратини томоша қилишингиз, ундан ҳам кўнглингииз бўриб кўришингиз мумкин.

Кўёш пешонасини силаган юртининг  
Бошида тунлари ой айтар алла.  
Уйларинг, тўйларинг кўп бўлсин, шаҳрим...  
Она шарқ нашъали — Тошкентни гулла!  
Ш. ИВРОҲИМОВ олган сурат.

## Корхона, ташкилот, солиқ назорати ва банк раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19-апрелдаги 215-сон қарорига ва 1994 йил 18 майдаги 17/191-11.19.05-сон рухсатномасига мувофиқ топография-геодезия ва картография ишларини бажариш учун махсус рухсатнома (лицензия) Ўзбекистон Республикаси геодезия назорати давлат инспекцияси томонидан белгиланган тартибда берилди.

Маълумот учун телефонлар:  
Тошкент шаҳар  
34-19-52, 35-00-78, 35-02-74.

## 3, 6, 12 ойда устама фойз қўшиб бериш шарти билан қисқа муддатга аҳолидан пул қабул қилиб оламиз!!!

Сизнинг жамғармангиз тўла сақланишига "ОРЗУ" суғурта компанияси кафолат беради!  
ТОШКЕНТДАГИ "ЭНИГМА" МОЛИЯ АГЕНТЛИГИ АҲОЛИГА УСТАМА ФОЙЗ ҚЎШИБ БЕРИШ ШАРТИ БИЛАН НАҚД ПУЛ ҚЎЙИШИНИНГ ҚЎЙИДАГИ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:  
- Шошилинч - бунда шартнома муддати тугашига қараб бирйўла тўланадиган дивиденд тубандагича бўлади:

Пул қўйиш муддати (ойлар)	Қўйилган суммага бериладиган йиллик фойз			
	10-49,9 минг сўм-купонга	50-99,9 минг сўм-купонга	100-499,9 минг сўм-купонга	500 минг сўм-купондан юқорисига
3	136%	144%	152%	158%
6	160%	168%	180%	190%
12	190%	198%	234%	255%

## Дивидендсуммаси ушбу формула ёрдамида ҳисоблаб чиқалади

Дивиденд = (Сумма вклада) x  $\frac{\text{Пул қўйиш муддати}}{12}$  x  $\frac{\text{Йиллик фойз}}{100}$

Ҳар ойда бунда ойдан кам бўлмаган муддатга қуйидагича дивиденд тўланади:  
100 минг сўм-купон юқорисига - 120% (йиллик);  
100 минг сўм-купон юқорисига - 132% (йиллик);  
100 минг сўм-купон юқорисига - 144% (йиллик);  
1 миллион сўм-купон юқорисига - 156% (йиллик);  
Шартнома тўзлаётган пайтда қўйилган суммадан 4% четирма олинади.

**Бизнинг манзилимиз:**  
Тошкент ш., Ш. Руставели кўчаси, 41.  
Тел.: 55-37-52, 55-52-47.  
Иш тартиби, соат 9.00 дан 17.00, Шанба кунини соат 11.00 дан 16.00.  
Якшанба - дам олиш кунини.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**  
• ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64608.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ  
ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:  
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миралма Миралимов, Саломхонди МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадҷон ҚОРАБОВ, Сандаҳроп ГУЛОМОВ.

ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БЮРОСИ  
ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭАЧИХОНАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ  
**СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Кўрғазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади  
**Кўрғазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:**  
Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, ҳақ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.  
Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272

**КОМЭК**  
Телефакслар, телефонлар, радиотелефонлар, термоқозғалар СОТАМИЗ  
Алоқа жиҳозлари ва воситаларини ПАЙВАНДЛАЙМИЗ  
Хориж телефонлари ва телефаксларини ТАЪМИРЛАЙМИЗ  
Телефонлар: 34-49-99, 34-46-02.  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй, 11-05 хоналар.

**Айни шароитда жамғармангизни қаерга қўйишни билмасангиз, "Титан" пулингизни ўзингиз учун ишлашига имконият яратади.**  
Ва бунинг учун Сиз фақат биздангина ҳақ ойда 30 фойз қўшимча ҳақ оласиз!  
**Тошкентдаги телефонларимиз:**  
77-30-11  
Соат 15.00 дан 22.00 гача 24-99-23  
Соат 19.00 дан 18.00 гача 29-35-12  
Соат 19.00 дан 18.00 гача

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омборидан "УРАЛ" мотоцикллари, Хитой кўк чойи, чет эл ақоқлари, сақичлар ва бошқа халқ истеъмол молларини сотади.  
**Маълумот учун телефонлар:**  
45-57-68, 45-85-56, 45-49-52.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг жамоаси муҳаррири Отабек Матниёзовга онаси  
Бекажон ая НАЗАРОВА  
нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳзор қилади.

«Ўзсувқурилиш» давлат концернининг бошқаруви Бухоро-Орол сув қурилиш трестининг бошқарувчиси Б. К. Шариповга отаси Разақ ШАРИПОВ.  
нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.